

# ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

28 декабрь, пайшанба, 1995 йил  
Сотузда эркин нархда. № 249 (1251)

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Италия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Иоланда Брунетти Гозтц 27 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлигини топширди.


— Италия ҳукумати ва халқи Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни диққат-этибор ҳамда хайрихоҳлик билан кузатиб келмоқда, — деди элчи Иоланда Брунетти Гозтц ишонч ёрлигини топширар экан. — Айни пайтда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт сари тўғри йўлдан бораётгани ва оқилона ташқи сиёсатини италияликлар жуда юксак баҳоламоқда.

Элчи иқтисодий ва демократик ўзгаришларни бошдан кечираётган ҳар икки давлат ўртасидаги алоқалар ривожига ҳисса қўшиш учун куч ва ғайратини аямаслигини таъкидлади.

— Ўзбекистон халқи мамлакат иқтисодиётини юксаттириш йўлида самарали меҳнат қилмоқда, — де-



СУРАТЛАРДА: ишонч ёрлиқларини топшириш пайти.



С. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ди Президент Ислом Каримов. — Ушбу долзарб даврда саноати юқори даражада равнақ топган Италия билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мамлакатларимиз манфаатларига мос келади. Бугун Италиянинг бир қанча фирма ва компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшаётганига қарамай, ҳамкорлик мавжуд имкониятлар даражасида эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Мамлакатимиз раҳбари элчининг масъулиятли ваифани адо этишида муваф-

фақият тилаб, мавжуд имкониятларни тўлароқ ишга солишда фаол саъй-ҳаракат кўрсатишига умид билдирди.

Шу кунги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Соекадари Хонгвонгсо ҳам ишонч ёрлигини топширди.

Элчи Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқалар мустақамла-

юртимизда фаолият бошлаши узига улкан масъулият юклаганини таъкидлади. У мамлакатларимизнинг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигида янги уфқлар очилаётганини қайд этиб, ушбу алоқаларни янада равнақ топтириш учун барча имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

— Ўзбекистон билан Индонезия бир-биридан узоқда жойлашган бўлса-да, халқларимизнинг, урф-одатларимизнинг муштарак жиҳатлари кўп, — деди Президент Ислом Каримов. —

Шу боис икки давлат ўртасидаги мавжуд ҳамкорликни янада равнақ топтириш халқларимиз манфаати учун ҳизмат қилади.

Президент Ислом Каримов элчининг икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг мустақамлашишига муносиб ҳисса қўшишига умид билдирди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиллов иштирок этди.

(Ў.А.)

## ЎЗБЕКISTON KINOSANʼYATI XODIMLARIGA

Анв дўстлар!

Сизларни жаҳон кино санъатининг 100 йиллиги, ўзбек миллий киносининг 85 йиллиги ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясининг 70 йиллиги муносабати билан самимий табриклайман.

Бир асрлик тарихга эга бўлган жаҳон кинематографияси тараққиётида ўзбек кино санъатининг ҳам узига хос салмоқли ҳиссаси бор. Мамлакатимиз киноусталари яратган қатор бадий, ҳужжатли ва илмий-оммабон фильмлар дунёдаги турли фестивал ва танловларда нуфузли совринларга сазовор бўлган. Ўзбекистон пойтахти Тошкент эса жаҳондаги энг йirik халқаро кинофестиваль ва анжуманлар утадиган марказлардан бири ҳисобланади.

Истиқлол туғайли киносанъатимиз собиқ ҳужумрон мафкура таъйиқидан халос бўлди. Эркин ижод учун, миллий қадриятларимизни ва асрий маънавиятимизни, бир сўз билан айтганда, халқимиз тарихини тўлиқ ва тўғри акс эттириш зарур бўлган замон келди. Мустақил Ватанимиз киносанъати ижодкорлари ўз қаддини ростилаётган буюк халқимиз руҳи, эътиқоди ва талабига мос, юксак бадий савияли фильмлар яратадилар деган умиддаман!

Янги йил арафасида барчангизга сўхат-саломатлик, тинчлик-ҳотиржамлик, оилавий бахт ва ижодий муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом КАРИМОВ.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ISLOM KARIMOV JANOBИ  
OLIIYLARIGA

Сизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан муборакбод этамиз. Янги йилда барча эзгуликлар Сизга ёр бўлишига тилакдошимиз.

Беназир БХУТТО,  
Покистон Бош вазири  
Асиф Али ЗАРДОРИЙ,  
Покистон Бош вазирининг умр йўлдоши.

## KINOCИЛАР БАЙРАМИ

Шу кунларда мамлакатимизда қувончли байрам — жаҳон кино санъатининг юз йиллиги, ўзбек миллий киносининг 85 йиллиги ҳамда «Ўзбекфильм» киностудиясининг ташкил этилганлигининг 70 йиллиги кенг нишонланмоқда.

27 декабрь куни пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги шаҳарий кинотеатрда яна шу санага бағишланган тантанали кеча бўлди. Унда кинорежиссёрлар, актёрлар, операторлар, монтажчилар, рассомлар — кино ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча касб эгалари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон кино санъати ходимларига йўллаган табрикномасини Президент Давлат Маслаҳатчиси Ҳ. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Экранда миллий кинематографиянинг улар яратган, республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам машҳур бўлган бадий ва ҳужжатли фильмлардан лавҳалар жонланади. Бу эса бир асрлик тарихга эга бўлган жаҳон кинематографияси тараққиётида ўзбек кино санъатининг ҳам узига хос ҳиссаси борлигини кўрсатади. Хоразмлик суратчи Худойберди Девонов 85 йил муқаддам бошлаб берган бу санъат истиқлол туғайли узининг камолат босқичига қадам қўйди.

Кеча санъат усталари ва ҳаваскорлик жамоаларининг катта концерти билан яқунланди.

(Ў.А.)

## ФАХРИЙЛАР КЕНГАШИ ПЛЕНУМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси Кенгашининг пленуми бўлди. Унда кенгашнинг тугаётган йилда амалга оширган ишлари яқунлари ва республика фахрийларининг иккинчи қурултойига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди. Пленумда кенгаш раиси Б. Раҳимов маъруза қилди.

Пленум 1995 йил яқунлари ва 1996 йил вазиқларини муҳокама қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри фахрийлар ташкилотлари кенгашларига пленум ўтказишни тавсия этди.

Республика фахрийлари иккинчи қурултойини келгуси йилнинг охирида ўтказиш режалаштирилди.

(Ў.А.)

## Ишонч ёрлигини топшириши муносабати билан ИТАЛИЯ RESPUBLIKASINING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ИОЛАНДА БРУНЕТТИ ГОЗТЦ

1938 йил 29 октябрда Рим шаҳрида (Италия) туғилган.

Рим университетини битириб, сиёсатшунослик ихтисосини олган ва Брюгге шаҳридаги Европа коллежининг (Бельгия, 1964 йил) сиёсий фанлар ва социология бўйича курси аспирантурасида таҳсил олган. 1964-1966 йилларда Европанинг Торин институти ва Лондон иқтисодиёт институтида таҳсил олди.

1967-1968 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича директорати ходими.

1969-1972 йиллар — Италиянинг Куала-Лумпурдаги (Малайзия) элчихонаси биринчи котиби.

1972-1976 йиллар — Италиянинг Нью-Йоркдаги (АҚШ) вице-консули, Бош консули ўринбосари.

1976-1977 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг кўп томонлама муносабатлар бошқармаси иқтисодий масалалар бўйича бўлими бошлиғи ўринбосари.

1977-1980 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлиги бош маслаҳатчиси.

1980-1984 йиллар — Италиянинг Бирмадаги элчиси.

1984-1988 йиллар — Париждаги



Европа ҳамкорлиги ва тараққиёт ташкилотлари (ЕХТТ) Италия миссияси раҳбари ўринбосари.

1988-1989 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг ривожланиётган мамлакатлар билан (Осиё, Тинч уммони минтақаси) ҳамкорликни тараққиёт этириш бўйича бошқармасининг бўлим бошлиғи.

1989-1990 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлиги мухтор вазири.

1990-1991 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича бошқармаси қўшма бўлими бошлиғи.

1991-1993 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг ҳамкорлик бўйича бошқармаси бошлиғи.

1993-1995 йиллар — Италия Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий масалалар бўйича бошқармаси тадқиқотлар ва программалаштириш бўлими бошлиғи.

1995 йилнинг июлидан Италиянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси этиб тайинланган.

Оилали, француз, инглиз ва испан тилларини билади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

## Ишонч ёрлигини топшириши муносабати билан ИНДОНЕЗИЯ RESPUBLIKASINING ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДАДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ СОЕКАДАРИ ХОНГВОНГСО

1934 йил 9 мартда Маланг шаҳрида (Индонезия) туғилган.

Гажа Мада (Жокьякарта) университетининг ижтимоий ва сиёсий факультетини (1960 й.) тугатган. Шунингдек, Жакартадаги Судубат дипломатия курсида (1967 й.), Жакарта Сесдику катта дипломатия курсида (1974 й.), Покистондаги Лохур дипломатия курсида (1978 й.), Жакартада Мудофаа ва хавфсизлик курсида (1982 й.) таҳсил олган.

1960—1964 йиллар — Таълим ва маданият вазирлигида бўлим бошлиғи.

1964—1968 йиллар — Ташқи ишлар вазирлигида бўлим бошлиғи.

1968—1970 йиллар — Индонезиянинг Данаёдаги (Филиппин) консулхонаси учинчи котиби.

1970—1973 йиллар — Индонезиянинг Манлидаги (Филиппин) элчихонаси иккинчи котиби.

1973—1976 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар бюросининг кадрлар бўлими бошлиғи.

1976—1981 йиллар — Индонезиянинг Карочиди (Покистон) консули.



1981—1983 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги кадрлар бюросининг бош бўлими бошлиғи.

1983—1985 йиллар — Ташқи ишлар вазирлиги ташкилий бюроси бошлиғи.

1985—1988 йиллар — Индонезиянинг Хьюстондаги (АҚШ) бош консули.

1988—1991 йиллар — Индонезиянинг Суринамдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

1991—1995 йиллар — Индонезия санъати ва хавфсизлигини мувофиқлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-вазир ўринбосари.

1995 йил — Индонезия Республикасининг Қирғизистон Республикасидаги ва Тожикистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

1995 йил августдан буён Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси.

Инглиз, француз, урду, тагал тилларини билади.

Уйланган, тўрт фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

## «ГАЗ ҚУВУРИ УСТИДАГИ... МОЖАРОЛАР»

(«Халқ сўзи», 1995 йил 25 ноябрь)

Газетамизда оқиродаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Булуғтур туманидаги «Губдин» жамоа ҳужалиқда газлаштириш ишларини бошлаган Жомбой туманидаги 9-механизациялашган кўчма колонна жамоаси ҳужалиқидаги мавжуд қурувларни олиб, бошқа ерга ишлатиб юборганили, натижада «Губдин» жамоа ҳужалиқидаги газлаштириш ишлари тўхтаб қолганили таъкид қилинган.

Яқинда ушбу масала юзасидан Булуғтур тумани ҳокимлиги, Ўзбекистон Калмунал хизмат курсатқи вазирига қарамли «1-Ўзбекгазурилик» ижтисолаштиришга қурлиш-монтаж трести ва ушбу трестга қарамли 9-механизациялашган кўчма колоннадан жавоб келди.

## ХҲЖАЛИК СУДИГА БЕРИШ УЧУН ХҲЖАТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Мақолада келтирилган фактлар тўғри. Мақола эълон қилинганга қадар туман ҳокимлиги 9-механизациялашган кўчма колонна билан «Губдин» жамоа ҳужалиқи ўртасидаги қувор можароси билан шуғулланган. «Ўзбекгазурилик» бошқармаси бошлиғи Воҳид Солиқов ва Жомбой туманидаги 9-механизациялашган кўчма колонна бошлиғи Ваҳодир Назаровлар туман ҳокимиятига таклиф этилган. Улар ҳар иккиси 1383 метр қуворни ноябрь ойининг биринчи ярмида келтириб

жойига қўйишни ваъда беришгн. Бирок бу икки ривор ҳим ўз ваъдаларининг устидан чиқмади. Ҳозирги пайтда 9-механизациялашган кўчма колоннадаги ҳужалик судига бериш учун ҳужжатлар тайёрланмоқда. Натижа-си ҳақида таҳририятта қўшимча хабар қиламиз.

А. АЗИМОВ,  
туман ҳокими.

Ўзбекистон Коммунал хизмат курсатқи вазирига қарамли «1-Ўзбекгазурилик» ижтисолаштирилган қурилиш-монтаж трести бошқарувчисининг муовини Б. Умуриқова эса, мақолада айтлган танқидий фикрлар бўйича бевосита трест томонидан қу-

рилган чора-тадбирларни маълум қилиш ўрнига ўзи иштирокида «Губдин» жамоа ҳужалиқида ўтказилган мажлис баёнини юбориш билан чекланибди.

Биз унда ҳужалик вакиллари-нинг талаблари, газчиларнинг ваъдаларидан бошқа фикрларини учрагганимиз ва у 9-механизациялашган кўчма колоннадан олдинга жавобга даҳоҳанглиги учун газетада беришни лойиқ кўр-мадик.

## ЙИЛ ОХИРИГАЧА ҚАЙТАРИБ БЕРИЛАДИ

«Ўзбекгазурилик» 1-трестига қўрилган 9-кўчма колонна жамоаси аъзолари Инглишида кўқори-

да қийд қилинган мақола муҳо-кама қилинди. Мақоладаги қўрсатилган камчиликлар тўғри, деб топилди ва тегишли чора-тадбир-лар белгиланди.

1993 йил «Губдин» жамоа ҳужалиқи ташкилотимизда 76 мм ли газ қуворлари йўқлиги сабабли ишни тезроқ бақариш учун ўз қу-собидан 76 мм ли 1383 м. паз қу-вури берди. Бу қуворларни жа-моамиз монтаж қилиб, ўз вақти-да ишга тўширди.

1994—1995 йилларда қуворларни топиш қийинлашиб кетгани сабаб-ли кўчма колонна раҳбарини улар-ни ўз вақтида қайтариб бериш ҳа-рикат қилмади. Натигада 1383 м. паз қуворлари қайтарилмаган.

Ҳозир «Губдин» жамоа ҳужа-лигидан олдинга қуворларнинг 500 метри қайтарилиб, иш бажа-риляпти. Қолганлари шу йил охи-ригача қайтариб берилади.

Б. НАЗАРОВ,  
кўчма бошлиғи.

## ЯНА ВАЪДАМИ?

Биринчи жавобдан маълум бў-лишича, 9-механизациялашган кўчма колонна раҳбарини икки йилдан зиёд вақтдан бери олган қарзини тўлаш ўрнига фақат ваъда бериб келаяпти. Уртоқ Б. Назаров эса йил охиригача қуворни қайтаришни ана таъкид-ламоқда. Трест бошқарувчиси муовини ўзи қатнашган мажлис баённомасида ҳам шу фикр таъкидланган. Ишқилиб ваъда ваъдалигича, гўбдиликлар эса газсиз қолиб кетмасин-да!

(Ў.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси учун хизмат кўрсатган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланишлари мумкин.

2-модда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони, Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи давлат мукофотлари ҳисобланади.

3-модда. Давлат мукофотлари Олий Мажлис томонидан тасвир этилади.

Давлат мукофотларига доир низоомлар ва уларнинг тасвирлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

4-модда. Давлат мукофотлари билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти тақдирлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир тақдимнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда киритилади.

7-модда. Бир шахс айни бир орден, медаль ёки Фахрий ёрлиқ билан, қойда тарихисидда, бир марта тақдирланади.

Фахрий унвонлар тақдир берилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш шахсининг вафотидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин.

8-модда. Фуқаролар навбатдаги мукофотга аввал мукофот билан тақдирланган вақтидан кейин камидан уч йил ўтгач тақдим этилади.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисидаги фармонлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

10-модда. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони олий даражадаги мукофот бўлиб, фақат бир марта берилди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсларга «Олтин Юдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топирилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг орденлари куйидагилардан иборат:

— «Мустақиллик» ордени;

— I даражали ва II даражали «Соғлом авлод учун» ордени;

— «Меҳнат шухрати» ордени;

— I даражали ва II даражали «Шон-шараф» ордени;

— «Дустлик» ордени.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг медаллари куйидагилардан иборат:

— «Олтин Юдуз» медали;

— «Жасорат» медали;

«Шухрат» медали.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвонлари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак нишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топирилади.

14-модда. Орденлар, медаллар ва бошқа мукофотларнинг нишонларини тақиб юриш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан фуқаролар билан бир қаторда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар ҳам мукофотланади.

16-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар ҳамда бир марта берилган пул мукофотини олади.

17-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар мукофотлар сақланишини таъминлашлари лозим.

Давлат мукофотлари, шунингдек уларга доир ҳужжатлар йўқолган тақдирда, тақдирланганлар мукофотларга нисбатан ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Давлат мукофотлари тағин ахволга тушиб натижада йўқотилган тақдирда истисно тариқасида орденлар, медаллар ва кўкрак нишонларининг аслига тенг нусхалари берилиши мумкин.

Мукофот билан тақдирланганлик тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек Фахрий ёрлиқ йўқолган тақдирда уларнинг аслига тенг нусхалари белгиланган тартибда берилди.

18-модда. Давлат мукофотлари билан тақдирланган шахс оғир жиноят содир этгани учун ҳукм қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1995 йил 22 декабрь.

нда — сундинг қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибдаги тақдимномасига биноан:

шахс ўз шаънини бадном этувчи ҳапти-харакатлар содир этганида — тақдирлаш тўғрисида тақдимнома киритиш ҳуқуқига эга бўлган органнинг тақдимномасига биноан маҳрум этилади.

Давлат мукофотларидан маҳрум бўлганлик, белгиланган имтиёزلардан ҳам маҳрум қилинишига сабаб бўлади.

Давлат мукофотларидан маҳрум этилган шахсга қарашли давлат мукофоти ва мукофотга доир ҳужжат қайтарилиши лозим.

19-модда. Ноқонуний ҳукм қилинган ва тўла оқланган фуқароларнинг давлат мукофотларига нисбатан ҳуқуқлари тегишли органларнинг илтимосномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тикланиши мумкин.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг қиёб кетган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат мукофотлари билан тақдирланган шахсларга нисбатан ўз ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

Таркибидан қимматбаҳо металлургия бўлган давлат мукофотларини олиб чиқиб кетиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилди.

21-модда. Орден, медаль, фахрий унвонга доир кўкрак нишонини ноқонуний равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш ёки ўзга тарзда ҳақ эвазига бировга бериш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

22-модда. Ташқи кўриниши давлат мукофотларига ўхшаш бўлган кўкрак нишонларини тасвир этиш ва тайёрлаш тақиқланади.


Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1995 йил 22 декабрь.



Бахтиёржон Эгамбердиев ташаббускор, янгиликка уч йилгилардан. У Хонқа туманидаги тиббиёт жиҳозлари ва кўзойнақлар дўконини ҳусусийлаштириб, «Бахтиёр» саломатлик фирмасини ташкил этди. Ҳозир фирма билан Тошкентда «Камилла» ўзбек-Америка қўшма корхонаси ўртасидаги шартномага кўра Хонқада...



мазкур корхонанинг 2-филиали фаолият кўрсатмоқда. СУРАТЛАРДА: саломатлик фирмаси Бахтиёр Эгамбердиев ва сотувчи Диабархон Уруновалар; фирманинг умумий кўриниши. Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Диққат, янгилик

ТИҒСИЗ ОПЕРАЦИЯ

Мустақил мамлакатимиз тиббиётини да оғир кўз касаллиқларини илк бор тўғрисида — лазер нури ёрдамида даволаш йўлига кўйилди. Республика кўз касаллиқлари клиник шифохонасида очилган янги марказда икки юзлаш йилдан бери амалга оширилган операция қилинди.

— Бу янгиликни кўп йиллардан бери орзу қилардик, — дейди шифохона бош ҳамшираси, олий тоқтали врач Клара Валиева. — Ниҳоят, нияти-мига етдик. Илгари беморларни элик фониз даволаш имкони бўлса, лазер билан юз фониз даволай оламиз. Мазкур лазер марказини очилиши бизни маблаг масаласи ўйлантириб қўйганди. Аммо элим деб, юртим деб яшаётган инсонлар кўп экан. Пойтахтимиздаги бир қанча корхона, қурилиш ташкилотлари, кичик ва кўшма корхоналар оғлиноиб ниятимизни қўлаб-қуватлаб, халқ саломатлиги йўлида маблагларини аямди. Натихда Германиянинг «Герл-вейт» о.ф. фирмасидан иккита энг замонавий лазер ускунаси сотиб олдик. Улар ёрдамида кўзининг орқа ва олд томчларида микро жарроҳлик операциялари ўтказилди. Томир ёрилиб, кўзга қон куйилганда, кўзининг кўчган тўр пардасини жойига қўйишда, шунингдек, катаракт, глюкома касаллиқларини даволашда бу ускуналар жуда кўл келди. Бундан қон ҳам чикмайди, оғриқ ҳам сезилмайди. Лазер билан операция қилиниши яна бир ҳусусияти шундани, кўп беморлар касалхонага ётқизилмасдан, бир кундаёқ чиқариб юборилди.

Дастлабки операцияларни ўтказишда екатеринбурглик йирик мутахассис Игор Малов бош-қош бўлиб турди, шифокорлар Умида Фаёзова ва Дивра Юсупова эса ишчи маҳорат билан амалга оширди. Шунинг маънуидат билан айтиш кераки, операциялар бепул ўтказилмоқда. Қолаверса, бу янгилик, фақат Ўзбекистонликлар, балки Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида истикомат қилувчилар учун ҳам аниқ қўлайлик яратди. Улар олжга бормай, бизга келиб даволанишлари мумкин. (Ў.А.)

Мулоҳаза

ОЙЛИК КАРТОЧКАЛАР — ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

«Автобус, трамвай, троллейбус» ойлик транспорт чипталари пойтахтимиз аҳолисининг турли қатламларига қараб, имтиёزلар билан сотилаётгани шаҳар меҳнатқашларининг айни кўнглидаги иш, албатта. Шу боис ҳам бир қанча ташкилотлар ишчи-хизматчиларига энгиллик яратиш мақсадига, пул ўтказиш йўли билан уларни ойлик транспорт ва йил давомида фойдаланиш учун метро карточкалари билан таъминламоқдалар. Агар йил мобайнида йўл кира ҳақи ошган тақдирда ҳам уни шартнома тузган корхона ёки ташкилот ўз ҳисобидан тўлаб боради. Табиийки, бундан муассаса хизматчиларининг манфаатдорлиги янада ошади.

Бизга шундай ташкилотлардан бири — халқаро ҳисоб-китоб ва шартномадор марказининг Касаба кўмитаси расми С. АҲРОРҲУЖАЕВ бу ҳақда қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Ташкилотимиз ходимларининг ижтимоий аҳолини яхшилаш мақсадида шартнома тузиш орқали уларнинг хоҳишига қараб автобус, трамвай, троллейбус ва метро транспортларидан фойдаланишлари учун ойлик, йиллик карточкаларни олиб бермоқдамиз. Бундан ташқари, шаҳар транспортларида бундай карточкалар билан юриш аҳоли учун ҳам, автохўжаликлар учун ҳам бирмунча қўлайлиқ.

Биз янги 1996 йилда ҳам ходимларимизга қўлайлик яратиш ниятида Тошкент метроси бошқармаси бошлиғи Ш. Шоабдураҳимовга телефон орқали мурожаат қилиб, келуси йил учун йиллик ва ойлик патталарини расмийлаштириш ҳақида маълумот сўрадик. Маълум бўлдики, январдан бошлаб метро карточкалари, муомаллага чиқарилмас, бунга сабаб патталарнинг тез-тез қалбақлаштириш ҳоллари-га дуч келинаётганлиги экан.

Дарвоқе, шаҳримиз транспортларида, аниққаса, эрта тонгда одам жуда тигиз бўлади. Ҳамма ўз ишига шошади. Хусусан, метрода йўловчилар сони одатда-гадан ҳам юзлашади. Манзилга вақтида етиб бориш учун қўлай ва тезкор транспорт туридан фойдаланиш ҳеч кимга малол келмайди, албатта. Шундай пайтларда касса ёнида навбатда турувчилар кўпайиб кетади. Аксарият ҳолларда жетон олиш учун 15-20, ҳатто ярим соат вақтингиз сарф бўлади. Кечикаётганидан асабийлашасиз, кимдир навбатсиз жетон олиб кетса-ку, баттар хунобингиз ошади. Айрим вақтларда метро бекатларида иккитадан ортиқ жетон сотилади. Бундай ҳолларда навбатда турувчиларнинг бош-кеги куйинмай қолади. Агар янги йилдан ойлик, йиллик карточкалар муомаллага чиқарилмас шунга ўхшаш ортиқча ташвиш ва асабийлашувлар тағин-да кучайиши турган гап.

— Бизнинг фикримизча, бу масалани Тошкент метрополитени бошқармаси тўғри ҳал қилмаган, — дейди сўзда давом эттиб С. Аҳрорҳужаев. — Ахир, ҳақонда қўлабқилинган йасалганлиги учун қимматбаҳо қорғозлар ва валюталарни ишлаб чиқариш тўхтатилаётгани йўқ-ку. Метро бекатларида карточкалар билан ишлашни янада кучайтириш лозим. Масалан, мен йиллик паттадан ўн ой давомида фойдаланиб, шу ҳақ оралиғида атиги икки марта текшириб кўришганининг гувоҳи бўлдим. Назаримда, патталарни текшириш ва ходимлар билан ишлаш яхши йўлга қўйилса, кўп сонли йўловчилар истаганин инobatта олиб бу масалани ижобий ҳал қилса ҳам бўлади.

О. ТУРАҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

МУДДАТИДА ТўЛАЙМАГАН СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТўЛОВЛАРНИ УНДИРИБ ОЛИШ ТўҒРИСИДА

1-модда. Белгиланган муддатда тўламаган солиқларни, давлат бюджетига ҳамда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

2-модда. Тегинли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўламаган сумма боқимонда ҳисобланади ва у, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, пеняси кўпиб қўйиб олинадиган ҳолда ундириб олинади.

3-модда. Тўлов муддати тугагандан кейинги кўнун бошлаб муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун боқимонда суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня қўйилиб боради.

4-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан тўловларни ва тўловларга оид боқимондаларни ундириб олиш куйидаги ҳолларда сўзсиз амалга оширилади:

1) солиқ органининг қиррига мувофиқ — солиқлар ва давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар бўйича;

2) сундинг қарорига мувофиқ — бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига тўловлар бўйича.

5-модда. Солиқ органлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар солиқ тўловлари ва бюджетга, шунингдек бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловлар тўлашни тўғри, ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширишнинг текширишга ҳақлиқ.

6-модда. Боқимондаги тўлаш суммаси келиб тушганда янаво боқимонда, сўнгра пеня тўланади. Боқимондаги устириб олиш қаржатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қилинади.

7-модда. Тўлов топириқномаси олинганидан кейин

бир иш кўни мобайнида давлат бюджетига даромадига, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳисобварағига тўловлар банкнинг айби билан ўз вақтида киритилмаганлиги учун банк муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда пеня тўлайди.

8-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга нисбатан боқимондани сўзсиз ундириб олишнинг қўйилган чоралари қўлланилади.

1) боқимондачининг банкдаги ҳисобварағига мавжуд бўлган суммаси давлат бюджетига фойдаланиб, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари ҳисобварағига ўтказиб;

2) солиштирув доволотномаси мавжуд бўлган тақдирда ундирувчи дебиторлардан боқимондани тегишли суммага қаратиш.

Боқимонда суммасини сўзсиз ундириб олиш тўғрисидаги инкассо топириқномалари солиқ органлари томонидан белгиланган тўлов муддатидан бошлаб уч иш кўни давомида амалга киритилади.

Башарти корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тегишли тўловни ўтказиш учун тўлов топириқномасини банкка ўз вақтида топширган бўлса, инкассо топириқномаси амалга киритилмайди.

9-модда. Чет эллик юридик шахсларнинг солиқлари ва мажбурий тўловлари бўйича боқимондани ундириб олиш, башарти Ўзбекистон Республикасининг шартнома-милриди ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан боқимондани ундириб олиш суд тартибидда амалга оши-

рилади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар гарданлиқ боқимондаларни қоплаш учун ундирув мол-мулкка қаратилган тақдирда қонун ҳужжатларида мувофиқ ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулкка ундирув қаратилмайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича чет эллик юридик шахслардан боқимондани ундириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган уларнинг ҳар қандай мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратилади.

12-модда. Боқимондани ундириш тўғрисидаги суд қарорининг ижроси ижро виларини асосида, ҳужжалиқ суднинг буйруғи асосида амалга оширилади.

13-модда. Давлат корхоналарининг, шунингдек жисмоний шахсларнинг тўловлар бўйича боқимондани унди-

риши имконияти бўлмаган ҳолларда боқимонда ҳисоб-китоб чикриб ташланади. Давлат корхоналарининг боқимондасини ҳисобдан чиқариб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда боқимондани ундириб олиш имконияти йўқлиги тўғрисидаги маълумотномага биноан, жисмоний шахслардан эса — суд қарорига биноан амалга оширилади.

14-модда. Тўловларни нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки ундириб олишнинг белгиланган тартибни бузиш оқибатида ортиқча келиб тушган тўлов суммалари қайтарилиши керак.

15-модда. Тўловларни ундириб олиш вақтида солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган нотўғри қатти-қаракатлар устидан шикоятлар қўрири оранга ёки судга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1995 йил 22 декабрь.

риши имконияти бўлмаган ҳолларда боқимонда ҳисоб-китоб чикриб ташланади. Давлат корхоналарининг боқимондасини ҳисобдан чиқариб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда боқимондани ундириб олиш имконияти йўқлиги тўғрисидаги маълумотномага биноан, жисмоний шахслардан эса — суд қарорига биноан амалга оширилади.

14-модда. Тўловларни нотўғри ҳисоблаб чиқариш ёки ундириб олишнинг белгиланган тартибни бузиш оқибатида ортиқча келиб тушган тўлов суммалари қайтарилиши керак.

15-модда. Тўловларни ундириб олиш вақтида солиқ органларининг мансабдор шахслари томонидан йўл қўйилган нотўғри қатти-қаракатлар устидан шикоятлар қўрири оранга ёки судга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,

1995 йил 22 декабрь.

Ёш шаҳар транспорти

Андижон вилоятининг Қирғизистонга чегарадош энг ёш Қорасу шаҳри ўз автокорхонасига эга бўлди.

Ҳайдовчилар йигирмага яқин йўналиш бўйича йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади. Улар Андижон вилояти маркази ва шаҳарлари ҳамда қўшни республика аҳоли пунктлари ўртасида қатнаб, йўловчиларнинг узогини яқин қилмоқда. Автокорхона йўловчилар хизматидан ташқари шаҳар эҳтиёжи учун халқ хўжалиги молларини ҳам ташиб бермоқда. (Ў.А.)

Жиноят жазосиз қолмайди

ТАДБИРКОРНИ ДАҲШАТГА СОЛГАН 16 КУН

Улар Ж. Мадиевдан 1 млн. АҚШ доллари талаб қилишди

— Қандай дахшати олар бошимдан ўтмади, дейсиз. Ҳайриятки, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларинг жасур ходимлари жонимга оро қилишди. Акс ҳолда, билмайди кейинги тақдирим қандай кечарди, — дейди биз билан суҳбатда қоракатнонлик тадбиркор Ж. Мадиев.

Жуманиёв ака ва унинг оила аъзолари бир неча ой кўрқувда кўн кечирди. Ҳар сонин улар учун йилларга мени-зағуд ўтди. Ҳўш, уларни кўрқув исқандасида қимлар ушлаб турди? Қўйида биз ана шу ҳақда батафсил ҳикоя қиламиз. Олдиндан айтишимиз мумкин, аҳоли ўртасида қатта шов-шўвларга сабаб бўлган, айнисика, тижоратчиларнинг юрагига гулгулга солган зўравон-таъмагирлар кўлга олинди.

Шу йилнинг ҳазирема ёз кунларидан бирид Нукус шаҳридан пойтахтга Жуманиёв Мадиев (мақолада келтирилган барча исм-шарифлар шартли равишда ўзгаририлган) фирма юмушлари билан келди. Очиги, Тошкент томонларга унинг оғир тортиқлари...

Шу пайтда унинг олдида қўлиқина бир киз келиб, «Мадиев сиз бўласизми? Сизни ташқариди машина кутаяпти. Тадбиркор дўстларингиз эмин-деб қолди. Жуманиёв аввалига бироз ҳўшёр тортиб, безовталана бошлади, сўнгра «Нима, мен кимга ҳам ёмонлик қилганидими, кўрқам, балки ҳақикатанам дўстларимдир-де, ўзини ўзи оғитиб, меҳмонхонадан ташқарига отланди. У атрофга бир разам солса, на танни машина ва на дўстлари кўзга ташланди. Эндигина тақсиз тўхтатишга қўйилганида унинг ёнига қайра рагли «БМВ» русумли машина келиб қаттиқ торқас берди. Ундан уч нотаниш кимса отилиб чиқиди-ю Ж. Мадиевнинг машинага зўрлик билан ўтказиди...

Жуманиёв Мадиев танг ахволда эди. Қандай йўл тўшига боши қолди. Улардан тинчгина кўтулди деса, қаердан ҳам пул топсин. Шундоқ ҳам қарзга ботди-ку, Милицияга хабар берса-ю улар зўравонларни қўлга олишолмас яна дахшати кўнлар тақдорланиши турган гап. Унинг устига...

Эйриган БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Мирзақанон МАМАЖОНОВ, Тошкент шаҳри ИИББ матбуот хизмати катта инспектори.



# ЎЗБЕКИСТОН - ХИТОЙ

"Сувжихозгаз" қўшма корхонаси жамоаси

яқинлашиб келаётган  
янги 1996 йил билан  
Республикамиз Президенти  
ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ  
КАРИМОВни,  
ҳукумат раҳбарларини  
ҳамда мамлакатимизнинг  
барча халқини чин дилдан  
муборакбод этади.

Мазкур йил ҳар бир оилага қувонч  
ва омад, сиҳат-саломатлик олиб келсин.

Дастурхонлари ҳамиша тўкин-сочин,  
файзу-баракали бўлсин. Юртимиз тинч,  
иқтисодимиз янада юксалаверсин. Ҳар  
бир инсоннинг янги йилдаги яхши  
ниятларига тилакдошимиз.

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ  
"Сувжихозгаз" қўшма корхонаси.



Қишлоқда ислохот одиллари ХАМЗАЕВЛАР ҚУРГАН ИНШОТЛАР

Учқурик тумани аҳолиси марҳум Мирозим Хамзаев номини доимо хурмат билан тилга олишади. Ҳозир унинг уч ўғли элу юрт хизматида. Улар туман марказида гуллалик салони, озқоқат дўконлари қуришиб, аҳолига хизмат кўрсатишмоқда.



Уйғун таваллудининг 90 йиллигига АДАБИЙ ҚОШОНАМИЗНИНГ УСТУНЛАРИДАН БИРИ

Ўзбек адабиётининг тарихда қолган мумтоз намояндаларини тилга олиш, ўқиб-ўрганиш фахру гурурдир.

Шундай зотлардан бири Раҳматулло Отақўзи ўғли Уйғун 1905 йилда, сўл томони Тарозу Қулон, ўнг томони тарихий Болосоғун шаҳарларининг ўртасидаги Марки қишлоғида таваллуд топган. Еш тоғли илм қишлоқдаги мактабни битириб...

«Жон Ўзбекистоним», «Уқраина еллари», «Кўёш ўлкасига», «Гулсал» каби лирик шеърлари замонавий адабиётимизни янги юксак поғонага кўтариб, эл ичида машҳур бўлди. Инсоний муҳаббатни бунчалик маромига етказиб қуйлаган шoir ози! Унинг кўплаб шеърлари сонзалар, бастакорлар томонидан куйга солиниб, ҳар кун тингловчиларга завқ шавқ бағишланмоқда.

персверзевчиларга, пролет-культчиларга қарши курашган, адабиётимиз миллийлиги, софлиги, ўзига хослиғи ниҳоят қийин, илмий ва танқидий китоблари чиққан. Базми адабиётшуносларнинг мумтоз адабиётимизга айна вақтда Мир Алишер Навоий мросига нотўғри ва менсимаслик билан қараб уни «Феодал сарой адабиёти» дея атаганларида Уйғун қарши аскани фикр айтиб, хато қарашлардан, хато фикрлардан адабиётимизни ҳимоя қилганини ёши катта қаламкашларнинг, олимларнинг ёдидан кўтарилган бўлмаса керак!

Оқсоқол кўп йиллар давомида Ёзувчилар уюшмаси раиси лавозимида хизмат қилди. Уйғун ўз даврида халқимизга кўрсатган катта хизматлари учун Ўзбекистон халқ шоири, Давлат мукофоти соҳиби унвонини олган. Бир неча олий мукофотларга сазовор бўлган. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси этиб сайланган.

Миллий адабий қошонамизнинг бу сержилва, нақшкор устуни гоётда мустақамдир. Фаний дунёдан боқийга ўтиб, иккинчи абадий умрини яшаётган Уйғун ўз ижоди билан овоз ва мустақил мамлакатимизга ҳамон хизмат қилмоқда. Йиллар ўтган сари у ёруқ юлдуздек яна ярқирайверади.

МИРМУҲСИН, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Нўқтаи-назар

Қадим-қадимдан қандай шароитда яшамасин, одамлар меҳнат қилиш билан бирликда маданий ҳордиқ чиқаришга интиладилар. Мусиқа энг қийин, тушунлиқка тушган пайтларида, хурсандчилик ёки туй-тантаналарда, оммавий сайил байрамларида кишини руҳий тегиликка қорайди. Қундалик ҳаётимизни мазмунли ўтказишимизда ҳамроҳ бўлади.

ва хонандалиқнинг оғир, сермашақат юқини елкасида дашта қилар элқасида қозонла қайнамаган хонанда иланишдан тўхтайдилар-қўяди. Кези келганда фонограмма ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Кейинги пайтларда бундай куйлаш услуби авжга чиқиб кетди. Жумҳуриятта танилган, қатор хорижий сафарларда бўлиб қайтган «Сумалак» дастаси қизлари Туроб Тула шеъри билан «Хуп ажойиб юртимиз бор» кўшигига рақс туши-

ди, кўпроқ гашига тегади. Бундан мағрурланган, дошқозонда қайнамаган хонанда иланишдан тўхтайдилар-қўяди. Кези келганда фонограмма ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Кейинги пайтларда бундай куйлаш услуби авжга чиқиб кетди. Жумҳуриятта танилган, қатор хорижий сафарларда бўлиб қайтган «Сумалак» дастаси қизлари Туроб Тула шеъри билан «Хуп ажойиб юртимиз бор» кўшигига рақс туши-

ган артист Нуриддин Ҳайдаров, Қобилжон Юсупов, дуторчи қилар дастаси, ёш хонандалар Аҳмадjon Далаев, Эркин Рўзиматов, Шомаҳмуд Шоаҳмедов, Баҳодир Бакировлар ижросидаги қатор кўшиқларни замонавий ўзбек кўшиқлари дейиш мумкин. Эстрада жанрида Насиба Абдуллаева, Қумуш Раззоқова, Юлдуз Усмонова, Қозим Қаймов, Мансур Тошматов, Шаҳбоз Низомидинов, Равшан Зокиров ва Ўзбекистон радиоси қошидаги эстрада симфоник оркестри хонандаларининг ижролари талабга жавоб беради.

Негадир мусиқашунос олимларимиз, танқидчиларимиз, бастакорларимиз мусиқий маданиятимиздаги камчиликларни кўра-билла туриб сукут сақлашмоқда. Натijaда тақдирчилик авж олиб, «севаман-севаман», «қутаман-қутаман», «келақол, жоним кел», «маҳаллангги кезаман, тўйингги ҳам бузаман», «май ичгандек юрагим килкиллайд» каби шовкин-суронли кўшиқ ва куйлар кўпаймоқда.

Миллий кўшиқчилик халқ бойлигидир. Уни асраб-авайлаш, ҳар хил баҳана услублардан тозалаш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Ниятимиз, баландпарвоз чиқишлар бўлмаса, ўзбек халқ чолгу асбоблари ансамблига кенг йўл берилса, лола каби икки кунда сўлиб қолувчи, вақтинчалик кўшиқлар эмас, балки миллат руҳини акс эттирувчи, йиллар давомида халқимиз эсида қоладиган асарлар ижод этилса.

Авалло узинимизга инсоф берсин. Меҳнат қилиб, изланиб, миллий ва замонавий куй-қўшиқ яратмас эканмиз, бировларнинг мусиқаси ҳеч қачон ўзбекнинг замонавий кўшиқлари бўлолмайди.

Саядқиром КАМОЛЮВ, санъаткор.

ТОҒДАН, БОҒДАН ЯРАТИЛАЁТГАН КҮЙ-ҚҶШИҚЛАР

Биз келажаги буюк давлат остонасида турибмиз. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, миллий ўзлигини танидик. Ўтмиш тарихимиз юзага чиқмоқда, халқ анъаналари, миллий қадриятларимизга йўл берилмоқда. Пойтахтимизнинг муҳташам саройларида катта концертлар, янги-янги гуруҳлар, яккахон хонандалар, дасталар учун шароитлар яратилди. Лекин айрим мусиқачи-хонандаларимиз ана шу эркинликдан тўғри хулоса чиқариб олмадилар, шеклиди. Буларнинг ҳаммаси куним ўтса бўлди, қабилида «меҳнат қилиш» ҳамда мутахассис жавобгар шахсларнинг мустақиллигини билдирилди.

Миллий чеҳрадан чиқиб қачондан бошланди, дерсиз? 1991-92 йиллари Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги, телерадио ва ёшлар кўмитаси бирликда «Камолот сари» телевизион-кўригини ташкил қилди. Унда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан хонандалар қатнашдилар. Уларнинг аксарияти европача услубдаги чолгу асбоблари жўрлигида энгил-елпи кўшиқлар ижро этишди. Буни телеэкран орқали кўрган бошқа ёш хонандалар, ҳозир мана шу услуб урф экан деб ўйладилар, шеклиди. Ҳозирда хаваскор гуруҳлар эмас, балки профессионал хонандаларимиз ҳам ана шунақа ижро услубини танламоқдалар. «Камолот сари» ва ҳозирда жалад суръатлар билан тарғиб қилинган «Анор» телевизион-танлов кўриги ёшларга, мусиқчи шик-

ҳона, фалончининг мусиқаси деб эълон ҳам қилинади. Қарабсизки, қўшиқ бир ён, мусиқа бир ён.

Ўзбек мусиқа санъати кечагина бунёд бўлган эмас, асрлар давомида шаклланиб келган. Дунёга ўзбек мақомлари, классик услубдаги кўшиқлари, ялларлари, чолгу куйлари билан танилган. Бугун эса баъзи куй-қўшиқларни тинглаб, ёш хонанда-созандаларимиз ижросига назар ташлаб хафа бўлиб кетасан киши. Улар энгил-елпи, шинаванда қулгини бузувчи куй ва қўшиқлар басталаб, ижро этишга берилмоқдалар. Фарбга тақлид қилиш, эстрада ниқоби остида янги гуруҳлар, яккахон хонандалар, хаваскорлар шу даражада кўпайиб кетдики, ким профессионал, ким хаваскор — англаб бўлмайди. Назаримда, халқ қалбидан жой олган, маданият муассасаларида йиллар давомида мусиқа санъати фойдалари бўлиб хизмат қилиб, созанда

муслиқий асбобларга рўжу қўйиб, миллий-чолгу асбобларини ниқиб чиқараётгани, хом-хатала кўшиқларда эса ҳеч қандай бадий савия йўқлигидан ўзаро фикрлашиб, бу бош-бошқоқлик-ка ким айбдор деб ҳасратлашадилар.

Аслида ҳам шундай. Тақдирчилик, кўр-кўрона бир хиллик натижасида кўшиқ ижроси, авжи англаб бўлмас даражада. Атрофга, қўшни давлатларнинг мусиқа маданиятига назар солиб кўринг. Қайси миллат миллий ўзлигини англавчи мусиқасини, кўшигини қўйиб, бошқа халқларнинг куй-қўшиқларини ўзлаштираётми? Устига устак, хонанда ва бастакорлар на мусиқа билим юртида, на бадий олий ўқув юртида ўқиганлар. Ёш, ҳали санъат соҳасида тайинли хизмат қилмаган хонандаларни танидик деб ойнай-жаҳонга тақлиф этиш, улар билан лаббали субўятлар ўтказиш томошабинни ажаблантира-

«ЯШЛИК»НИНГ ПАРВОЗИ

Республика байналмилал маданият марказида «Яшлик» халқ ансамблининг 35 йиллигига бағишланган кеча бўлди.

Унда мазкур даста ранг-баранг концерт дастурлари билан жамоатчилик қалбига йўл топгани таъкидланди. Зотан, бу ижодий жамоа ижросидаги татар ва бошқирд кўшиқ ва рақслари нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам шухрат қозонган. Ўзига ҳам санъат байрамига айланган кечада республикамиздаги турли миллатлар маданий марказлари вакиллари қатнашди.

Солиқ Ҳусанович УМАРОВ



Фашизмга қарши уруш қаҳрамони Солиқ Умаров 74 ёшида вафот этди. Солиқ Умаров Тошкентда туғилган. Меҳнат фаолиятини Паркент туманида ўқитувчиликдан бошлади. 1940 йилда армия сафига қақрилиб, 1941-1945 йилларда фашистлар билан бўлган шиддатли жангларда батарея командири Солиқ Умаров Москвадан то Германиянинг Эльба дарёсигача борди. Ҳақиқий инсон, ёшларнинг меҳрибон мураббийи Солиқ Умаронинг ёрқин хотираси доимо қалбимизда сақланади.

лик ва довораклик кўрсатганлиги учун капитан Солиқ Умаров 1945 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

Армия хизматидан қайтган, у Тошкент ва Янгийўлдаги маҳаллий саноат соҳасида қирқ йилдан ортиқ турли масъул лавозимларда ҳалол меҳнат қилди.

Фахрийлар ташкилотининг фаол аъзоси сифатида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда хизматлари салмоқлидир.

Ҳалол меҳнати ва фидойилиги билан Солиқ Умаров эл ўртасида катта обрў ва хурматга сазовор бўлди.

У давлатнинг энг юқори орден ва медаллари билан тақдирланган.

Ҳақиқий инсон, ёшларнинг меҳрибон мураббийи Солиқ Умаронинг ёрқин хотираси доимо қалбимизда сақланади.

Бир гуруҳ ўртоқлари.

XEROX 5317, 5331, 5332 ихчам нусха кўчириш машиналари кенг имкониятларга эга. Турли ўлчамли қоғозлардан фойдаланиб асл нусха ўлчовини автомат усулда аниқлаб, икки томонлама ёки рангли қилиб нусха кўчиришингиз лозим бўлса XEROX 5317, 5331, 5332 машиналари айна муддаодир!

XEROX® Ксероксга хос афзалликлар - мустаҳкамлик ва аъло техник тавсиф.

Бизнинг ваколатли дилерларимизга мурожаат этинг:



Table with columns: ШАҲАР, ДИЛЕР, ТЕЛЕФОНЛАР. Lists various cities and their corresponding Xerox dealers and phone numbers.

Uzbek Xerox Буюк Турон кўчаси, 41 тел.: 39-17-88, 33-54-25

RANK XEROXнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатхонаси Алматы (3272) 62-00-45 Тошкент (3712) 39-47-16

The Document Company XEROX Authorised Dealer

Table with columns: Республика, Узебкбирлашув бошқаруви, Узебекистон давлат газлаштириш лойиҳа-қидирув институти, Узебекистон давлат телерадио компанияси, Узебекистон давлат автомобил ли йўллар институти. Lists various organizations and their contact information.

Халқ Сўзи Народное Слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев.